

Шахноза ЯҲЁЕВА

**ИСТИҚЛОЛИМ —
ИҚБОЛИМ**

Шеърлар

**“Navro‘z” нашриёти ДУК
Тошкент — 2013**

ББК: 8.5.42(3Ўзб)

Я 15

УДК: 528.21

Яҳёева, Шаҳноза

Истиклолим – иқболим: Шеърлар/ Ш.Яҳёева;
- Тошкент: "Navro'z", 2013. – 36 б.

ISBN: 978-9943-381-16-2

© "Navro'z" нашриёти,
© Ш.Яҳёева, 2013.

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Ёш ижодкор қиз Шаҳноза Яхёеванинг шеъриятга муҳаббатини энди гунчалаб турган гулга қиёс қилгим келади. Унинг ёзган шеърлари, хикоялари ҳали етук талаблар даражасида бўлмаса ҳам, бу машқларида ёш ижодкор қалбининг орзу-умидлари, она юртига, табиат ва инсонларга бўлган мўъжаз муҳаббати бўй кўрсатиб турибди.

Шеъриятнинг рангин дунёси унинг содда ва беғубор қалбида ўзгача бўй кўрсатиб боргани сари унинг тасаввурлари ҳам тиниклашиб боради ва улар ёник туйғулар бўлиб мисраларга кўчади.

Қадимдан шарқда шеъриятнинг рутбаси, унинг кадри ва маъсулияти ҳамиша баланд келади. Бунга сабаб, шеърият ҳамиша бедор ва исёнкор қалблар нидоси, Ўзлик деб аталмиш инсон сийратининг кўзгусидир. Унда ҳамиша ҳақиқат ва адолат суралари ўқилади. Буни кундалик шиори ва қалб амрига айлантира олган ижодкоргина бу юртнинг фуқаросига айлана олади.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўзининг бир шеърида “Шоир бўлиш қийин, шоир бўлиш оғир, Бундай буюкларнинг қаҳқашонида”, - деб ёзган эди.

Мен Шаҳнозага ана шундай оғир ва шарафли йўлда ҳамиша бедорлик бахтини тилаб қоламан.

Йўлинг ойдин бўлсин, орзулари ойдин қиз.

Умулсун МАДУМАРОВА,
4-умумтаълим мактабининг олий тоифали
она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,
“Нишона” адабиёт тўғараги раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Туғилган юртим, жоним,
Онам – Ўзбекистоним.

Жаннат сендан кўрк олар,
Бир кўрган севиб колар.

Ҳар кўча ховлида гул,
Тоғлари, боғида гул.

Табиати кўркка бой,
Бундай ўлка қайда бор.

Жамолига йўк қиёс,
Дейди, дугонам Чарос.

Чунки бу юртда яшар,
Кўллари гул одамлар.

ҚОМУСИМ

Юртбошим бериб сайкал,
Халқим берган меҳрини.
Бош қомусим элимга,
Қайтиб берди эркини.

Мустақиллик тахтида,
Мунаввар ой, қуёшим.
Момом орзу қилган бахт,
Бугун мениг йўлдошим,

Бахтимизнинг қомуси,
Истиклолим тахти у.
Биз барқамол авлодлар,
Хумо қуши – бахти у.

БАҲОР

Шивирита сеҳр жо,
Уйғонади ер, само.
Анҳор чопар пилдираб,
Чакмоқ чақар гулдираб.

Юз очади майсалар,
Куёш ширин жилмаяр.
Кушлар айтади алёр,
Ўлкамга келди баҳор.

НАВРҰЗ

Кулиб келади Наврұз,
Тұлиб келади Наврұз.

Кушлар кұшиқ айтади,
Қалдирғочлар қайтади.

Қуёш кулиб бокқан чоғ,
Бинафша юз очган чоғ.

Қизлар тақиб жамалак,
Кўкда порлар камалак.

Наврұзойнинг таоми,
Сумалак - дил ороми.

Биз болалар қувнаймиз,
Наврұзойни кутлаймиз.

КИТОБИМ

Китобимдир – офтобим,
Илму-хикмат чироғи.

Ўқиб ошади зехним,
Кечагина ким эдим.

“Алифбо” – илм кони,
Мўъжизалар макони.

Хар сўзида бир хикмат,
Ёзган бобомга раҳмат.

Ўқиб, уқиб имлони,
Таниб олдим дунёни.

Маънилар ҳазинаси,
Тафаккурим зинаси.

Эгаллаб сени бир қуи,
Хизмат қилгум юрт учун.

ҚЎҒИРЧОҒИМ

Қўғирчоғим – оппоғим,
У менинг овунчоғим.

Ок харирдан кўйлаги,
Оро берганим сари.

Чиройли бўлиб борар,
Кўрганни кўзин олар.

Конфет тутсам олмайди,
Ё ейишни билмайди.

Бешикка белаб аста,
Айтганим чоғи алла.

Ухлаб қолади ширин,
Ҳали ухламай синглим.

ОНАЖОН

Сизга бағишладим, илк дебочамни,
Устозлар меҳридан топган бисотим.
Баён айлай сизга, азиз онажон,
Меҳрингиздан яралган илк баётим.

Меҳрингиз туфайли азиздир хаёт,
Меҳрингиздан ато этилмишдир жон.
Мурфак қалбимдаги бир оламжаҳон,
Меҳрим изҳорларин тингланг, онажон.

БОБОМНИНГ БОҒИ

Кўриб жаннатми дейсиз,
Кўркам бобомнинг боғи.
Шигил ҳосилга кирган,
Эккан ҳар бир ниҳоли.

Шафтоли, ўрик, олма,
Қирмиз олуца, гилос.
Ишком узра мўралаб,
Ақлингни олар чарос.

Ҳусайнилар юзидан,
Бол томиб турар чак-чак.
Анжир билан анорнинг,
Шарбатига йўқ тараф.

Полизда тарс ёрилар,
Ҳандалагу, “Босволди”.
Қарамай ўтиб кетсанг,
Қовоғини осволди.

Сиз бобомнинг боғини,
Ердаги жаннат дейсиз.
Келиб колсангиз агар,
Бир тўйиб қовун ейсиз.

ОНАЖОН ЎЛКАМ

Ўзбекистон – онажон ўлкам,
Кучоғингда яйрадим ўсдим.
Онам меҳри каби кучоғинг,
Кўзларимга суртаман ўзим

Ниҳол каби илдизим ерда,
Замин сенга қиламан таъзим.
Орзулари ушалиб бир кун.,
Шоира бўлади Шаҳноза қизинг.



ТОНГ

Эрталаб турганмисиз,
Тонгни кузатганмисиз.

Ҳўп ажойиб сеҳри бор,
Оламга қўшар чирой.

Яшнаб кетар чор атроф,
Ширин жилмаяр офтоб.

Анҳорлар шўҳ кикирлаб,
Ичинг, дейди эрталаб.

Шабнамга ювиб юзин,
Кўз-кўзлар гунча ўзин.

Бордир минг бир давоси,
Ҳушҳаво тонг ҳавосин.

МЕН БАХТИЁР АВЛОДМАН

Хар куним ўтар хуррам,
Юртимда бахтим бекам.
Сени севаман Ватан,
Мен баркамол авлодман.

Орзуларим дилимда,
Кам эмасман ҳеч кимдан.
Мустақил юртим чаман,
Мен баркамол авлодман.

Истиқлолим – иқболим,
Бошимга тож ҳилолим.
Куйлаб юртим камолин,
Мен баркамол авлодман.

Юртбошимга минг раҳмат,
Меҳри дилимга пайванд.
Хумо қушим сарбаланд,
Мен баркамол авлодман.

Илм олиб эртага,
Ҳизмат қиламан элга.
Орзуим қанот менга,
Мен баркамол авлодман.

БИНАФША

Чакмоқ чакса гулдираб,
Кўкламдан бериб дарак,
Юзин ювиб шабнамга,
Кулиб чиқар Бинафша.

Гунча юзида боли,
Бирам ширин, ифорли.
Хув чўккида чарақлаб,
Қутлаб турар бахорни.

ҚАЛДИРҒОЧ

Ховлимиз пештокига,
Эрта баҳорда келиб.
Ин қурибди қалдироч,
Тонгдан югуриб елиб.

Устадек, қаранг, уйин,
Ғиштин зардан терибди.
Айвони-ю, саҳнига,
Меҳридан зеб берибди.

КУЛЧА НОН

Онажоним, тонг сахар,
Тандирга олов ёқар.
Учкунларга кўшилиб,
Милт-милт учар юлдузлар.

Момом буғдой ун қориб,
Унга саримой солиб.
Ясаб беради кулча,
Дейсиз, гўё ойкулча.

Ох, бунча хам мазали,
Седанали, жиззали.
Олган ойдан андоза,
Еб олгин кел, Шаҳноза.

Мазаси тилда колар,
Хурсанд сингилчам Лобар.
Шундай неъматни берган,
Замин мўъжиза экан.

МОМОЖОНИМ ДУОСИ

Доим яшнаб юр, дейди,
Қизалоғим, оппоғим.
Сен гул бўлсанг, ватанинг,
Бир чамандир, чироғим.

Суянч бўлгин элинга,
Илдиз отгин заминга.
Истикболинг бир умр,
Ҳамроҳинг бўлсин сенга.

Қалбингда юртинг меҳри,
Мангу кетмасин сира.
Юртинг обод, эл обод,
Кўз тегмасин бахтинга.

СУМАЛАК

Онажоним мактабда,
Пиширдилар сумалак.
Биз ҳам четда турмадик,
Ахир ёрдамчи керак.

Қизлар давра куришиб,
Наврўзойни кутлашди.
Болалар дошқозонга,
Ўтин ёриб тахлашди.

Даврамизда момолар,
Дугога кўл очишди.
Келинчаклар бошидан,
Зар сочкилар сочишди.

Тонггача кўшиқ айтиб,
Рақсга тушдик бизлар.
“Қулоқ чўзма”, “Варраки”,
Ошиқ отди болалар.

Эрталаб тонг саҳардан,
Пишди ширин сумалак.
Тарқатиб кўшниларга,
Баҳордан бердик дарак.

КЕЛИНОЙИМГА

Гулдан гўзалсиз десам,
Гул ифори таралар,
Ойдан гўзалсиз десам,
Ойнинг ҳаваси келар.

Кўзингизда меҳрнинг,
Ёғдулари яшнайти.
Янгажоним, сиз асли,
Пари кизга ўхшайсиз.

Ораста киз дейдилар,
Ҳар ишингиз саришга.
Оламан сиздан ибрат,
Ҳам ишда, ҳам ўқишда.

МАКТАБИМ

Мақтабим илм кони,
Эзгуликнинг макони.
Муаллимам бир куёш,
Хар бир ишда кўмакдош.

Ёруғ, озода, синфим,
Мўъжизага ўхшар чин.
Бундай даргоҳда фақат,
Аъло ўкимок бурчим.

Дунёни боргум таниб,
Илм сирин ўрганиб.
Истиқлол кучоғида,
Билимлар ўчоғида.

Эрта она Ватанга,
Содик фарзанд бўламан.
Истиқбол гунчасиман,
Юртга хизмат қиламан.

ИСТИҚЛОЛИМ – ҚУЁШИМ

Истиқлолим – қуёшим,
Биз юлдузмиз парвона.
Озод ватан бизники,
Ватан – яғона она.

Қучоғида яшнаган,
Биз чечакмиз, гуллармиз.
Келажак айвонида,
Биз баркамол авлодмиз.

Эрта бизнинг бахтимиз,
Гулу-гулзор бўлажак.
Хизмат киламиз элга,
Машғалдек ёниб юрак.

Мустақил хурт яғона,
Бизлар унга парвона.

ТАЪТИЛДА БИЗ...

Ўқув йилин тугатдик,
Барча хурсанд, барча шод.
Тўлиб кетди кундалик,
Беш баҳога дер, Дилшод.

Барчамиз уни дилдан,
Шодон табрик айладик.
“Аълочилар клуби”га,
Раис этиб сайладик.

Кимдир бу йил таътилда,
Оромгоҳга бормокчи.
Асад эса шаҳарда,
Компьютер ўрганмокчи.

Мен ҳам кишлокка ўзим,
Опам билан бораман.
Келажакда тоғамдек,
Мен ҳам фермер бўламан.

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

Аълочи ҳам, ораста,
Илмга чанкок ўзлари.
Шеърият осмонининг,
Порлаган юлдузлари -
Зулфияхоним қизлари.

Мактабда билим сирин,
Эгаллашдан толишмас.
Чеварликда ҳам хатто,
Катталардан қолишмас.
Истикболнинг излари -
Зулфияхоним қизлари.

Бири шоира ўктам,
Бири спортда тенгсиз.
Бири чевар, чинакам,
Қойил дейсиз, кўрсангиз.
Истиклол юлдузлари -
Зулфияхоним қизлари.

ҚОРБОБОНИНГ СОВҒАСИ

Мақтабимиз ховлиси,
Яшнаб кетди бир қаранг.
Арча ўрнатдик, яна,
Чироқлари ранг-баранг.

Меҳмон бўлиб келдилар,
Бугун бизга Қорбобо.
Қўшиқ куйлаб, ўйнадик,
Совға олдик бир дунё.

Қорбобожон совғасин,
Улашди барчамизга.
Қоркиз билан Қорбобо,
Кўрк берди арчамизга.

УСТОЗЛАРИМ

*Биринчи ўқитувчим, Шоира онамга
ва барча устозларимга бағишлайман.*

Қуёшдай меҳри иссиқ,
Афлотундай сеҳрли.
Ҳикматга тўлиқ дили,
Устозларим.

Баркамол авлод учун,
Беришар иссиқ меҳрин.
Севимлисиз бунча ҳам,
Устозларим.

Бирингиз ойу-қуёш,
Бирингиздир элга бош.
Хаммамиз севамиз рост,
Устозларим.

АСКАР УКАМГА

Кичкинтой укам Вали,
Бешга кирмаган хали.
Тиним билмас, бирам шўх,
Йиғламаган куни йўк.

Баъзан томга тирмашар,
Нарвончага осилиб.
Опам бечора бир дам,
Ўтиролмас дарс килиб.

Белига тақиб қилич,
Қўлдан тушмас ўқ-ёйи.
“Қадам бос”га бораман,
Дадам билан хой, ойи”.

Мен ҳам аскар бўламан,
Ўхшаб кичик тоғамга.
Қасамёд килиб Ватан,
Билан Ислом бобомга.

ОРЗУЛАР БЕЛАНЧАГИ

Менинг орзуларим хали мўл,
Ватаним - бахтимнинг онаси.
Истиклолим, орзуимга йўл,
Бор дунёнинг келсин ҳаваси.

Орзуимга ўзим парвона,
Истикболим - қуёшим менинг.
Буюклиги дoston жаҳонга,
Элим бахти йўлдошим менинг.

Бошимизда мунаввар офтоб,
Ислом бобом, кайнок меҳрингиз.
Бобомларим асрлар кутган,
Эркимизни қайтиб бердингиз.

Бош майдонда оппок турналар,
Орзуимнинг беланчагидир.
Юртбошимнинг ойдин тилаги,
Эртанги кун келажагидир.

ЯНА БАҲОР

Зангор либос кийинган ўлкам,
Кўкда порлар етти камалак.
Қалдирғочлар она тилида,
“Вижир-вижир” билдирар тилак.

Сепин яна ёйибди баҳор,
Сайрар булбул, гуллар ораста.
Қизлар тақиб яна толбаргак
Ўсма сиқар қошга пайваста.

Яна баҳор. Чопар ирмоқлар,
Водийларнинг очилар юзи.
Бойчечаклар уйғонар шодон,
Қизғалдоқлар юзи қирмизи.

ВАТАНИМ - ЎЗБЕКИСТОН

Хумо куши бошимда,
Нурга тўла қарогим.
Офтоб каби нур сочар,
Ватан менинг чирогим.

Келажакдан сўзлайман,
Ватан бахтин куйлайман.
Мен бугун бор оламга,
Иқболимдан сўзлайман..

Куёши порлок эртам,
Мен баркамол авлодман.
Жаннатлардан аълодир,
Ватаним – Ўзбекистон.

КИТОБ

Тилсимот экан китоб,
Ёки нур тўла офтоб.
Қўлингга олсанг сени,
Чулғаб олар зехнингни.

Ичи тўла хазина,
Тафаккурингга зина.
Ўқи, қизим, дер бобом,
Сеники бўлар олам.

Хикмат кони экан у,
Дугона бўлиб қолдим.
Опамдек энди мен ҳам,
Ўқишни билиб олдим.

АКАЖОНЛАРИМГА

Менинг икки акам бор,
Улар суянган тоғим.
Улар билан чарағон,
Оилам – мунаввар боғим.

Ер-у, кўкка ишонмас,
Бахтли бўлсин, синглимиз,
Боғимизда очилган,
Сен ифорли гулимиз.

Истасанг кўкдан ойни,
Олиб берамиз, дейди.
Сен олима бўлсанг биз,
Толиб бўламиз, дейди.

Дейишар: -“Сингилжоним,
Аъло ўқи, билим ол.
Се нга ярашиб турсин,
Бобонг берган Истиқлол.

МУНДАРИЖА

Орзулари ойдin киз	3
Ўзбекистоним.	4
Комусим	5
Баҳор	6
Наврўз	7
Китобим	8
Кўғирчоғим	9
Онажон.....	10
Бобомнинг боғи	11
Онажон ўлкам	12
Истиклол	13
Тонг	14
Мен баркамол авлодман	15
Бинафша	16
Қалдирғоч	17
Кулча нон	18
Моможоним дуоси	19
Сумалак	20
Келинойимга.....	21
Мактабим	22
Истиклолим – куёшим	23
Таътилда биз	24
Зулфияхоним кизлари	25
Қорбобонинг совғаси.....	26
Устозларим	27
Аскар укамга	28
Орзулар беланчаги.....	29
Яна баҳор.....	30
Ватаним – Ўзбекистон.....	31
Китоб.....	32
Акажонларимга.....	33

Адабий – бадний нашр

Шахноза ЯҲЁЕВА

ИСТИҚБОЛИМ – ИҚБОЛИМ

Шеърлар

Муҳаррир: З.КЕЛДИБОЕВА

Мусаввир: Қ.САИД